



2014/02 №12

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

ЎЎОЎДИЎ РАВВОЗ



ҚУТЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Муқаддас диёримизга сепини ёйиб, Кўкламойим кириб келди.

Биллур жилвалар жаранги дилларни сархуш этиб, жаннатмакон юртимиз, чорбоғу чаманзорлар қушлар чуғур-чуғурига тўлди. Дала-даштар уйқудан уйғониб, ризқу барака ғазначиси Бободехқон этагидан тортиб, яна бағрига чорлади. Наврўз деган сўзнинг ўзида одамнинг руҳини кўтарадиган, эзгу ишларга ундайдиган ажиб бир латофат бор. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом бола йили”, деб эълон қилинган бу табаррук йилда, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, мазкур йил ҳақиқатан ҳам давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий этган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлади. Наврўзни биз, тўғрироғи, ота-боболаримиз

ҳамиша Йилбоши деб байрам қилиб келишган. Шундай экан, мен йилнинг бошланишидан заҳматкаш халқимизга, азиз юртдошларимизга энг аввало осойишталик, кўнгул хотиржамлиги ва хонадонларига файз-барака тилайман. Мустақил мамлакатимиз равнақи йўлида фидойи ёшларга, институтимиз талабаларига аҳиллик, тотувлик ва жўшқин шижоат тилайман.

Қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин азизлар! Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам, Тошқинлар киради қалбимга маним. Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам, Менинг, Ўзбекистон – дилбар Ватаним!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, “Саҳна нутқи”
кафедраси профессори

Аллоҳ таоло барча мавжудотлар қатори инсонни ҳам жуфт ҳолида яратган. Аёл зоти эркакларга жуфти ҳалол, ором-сакинат, оиланинг чироғи ва фарзандлар мураббиясидир. Қуръони каримда марҳамат қилинганидек, “улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсиз”. Аёл – онамиз, жуфти ҳалолимиз, опа-синглимиз, қизимиздир.

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁГИ ОСТИДАДИР

Агар аёл ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса, демак, жамият соғлом бўлади. Чунки келажак меваси, эртамик эгалари бўлмиш фарзандларни оналар дунёга келтиради. Уларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни ҳам оналаримиз, момоларимиз ўргатади. Шундай экан, келажак авлод кўп жиҳатдан бугунги кун аёлларининг қанчалик оқила, солиҳа, ҳаёли, ахлоқли бўлишларига боғлиқдир. Ватанимиз мустақилликка эришган илк кунлардан Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар, она-бола ва ёш оилаларга алоҳида эътибор кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг шароитлар яратилди. Бўлажак оналар – қизларимизнинг руҳан ва жисмонан соғлом улғайишида бебаҳо кадрларимизнинг ҳаётга изчил тадбиқ этилаётгани

ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Инсоннинг, шу жумладан, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига ҳамохандир. Бугун Ўзбекистонда хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, саломатликлари учун қайғуриш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар халқро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Аёлларимиз моҳир уй бекаси, жонқуяр она бўлиши билан бирга институтимиздаги ижтимоий, маданий ва сиёсий жабҳаларда атоқли, зиёли олимлар билан бирдек фаол иштирок этаётирлар.

Матлуба ИСОҚОВА,
Институт Хотин-қизлар Кенгаши
раиси

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу кунларда сиз азизларни – институтимиз бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8-март меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва ифқат, вафо ва садоқат туйғуси, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлари, деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан. Чиндан ҳам Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қанча ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади. Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва муқаррам Она сиймоси номоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди албатта. Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман. Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин, хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Халқ ижодиёти ва аъанавий кўшиқчилиқ” кафедраси
профессори

Азиз онажонлар, опа-сингиллар, сизлар борсизки хонадонларимиз файзли, ораста. Азиз аёлларимиз туйфали оилаларимиз тинч, кўнгулларимиз хотиржам, ишимизда унум бор, фарзандларимиз соғ-омон ҳамда жонажон юртимиз фаровон.

Сизларга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда, касб-корингизда омад, баҳорий кайфиятлар тилаймиз. Қалбларингиз меҳр-муҳаббатга, шодликка тўлиб омаду гўзаллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бахтиёр СУЛТОНОВ,
Хонанда, “Халқ ижодиёти ва аъанавий
кўшиқчилиқ” кафедраси ўқитувчиси



БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

Зумрад осмон. Муаззам қуёш. Она тупроқ. Бу уч мўъжизанинг бир гул тақдиридаги ўрни беқиёсдир. Азиз аёллар! Кўнгулингиз боғида яроқ ёзган гулнинг толеъига осмони ҳам, қуёши ҳам, тупроғи ҳам бор. Демакки, у кечаю-кундуз ривожланади, камол топади. бу ажиб гулнинг қутловида акс этади. унутманг, таърифингизда қаламларимиз мудом уйғоқ. Байрамингиз муборак бўлсин!

Нурмуҳаммад ИСРОИЛОВ,
“Оммавий байрамлар режиссураси” бўлими 3 - курс
талабаси

Азиз ва мўътабар аёлларимизни Халқро хотин-қизлар куни - 8 март билан самимий муборакбод этаман. Хонадонингизга осойишталик, дастурхонингизга тўкин-сочинлик, шахсий ҳаётингиз ҳамда касб-корингизда омад тилайман. Қалбингизни хуш кайфият ҳеч қачон тарк этмасин.

Малика НАРЗУЛЛАЕВА,
“Халқ ижодиёти” факультети 2-курс талабаси,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

“Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча дилбар аёлларни, опа-сингилларимизни 8 март – Халқро хотин-қизлар байрами билан қутлаймиз! Ҳаётимизнинг гули бўлган Сиз азизларга доимо баҳор ифорида мафтункорлик, узоқ умр, ҳар бир оиланинг бахти бўлишдек шараф тилаймиз!”

Ваҳобжон ЎРАЗМАТОВ,
“Халқ ижодиёти” факультети,
3-курс талабаси

Барчангизни 8 март – Халқро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлаймиз. Ёш авлоднинг яхши таълим-тарбия олиб вояга етиши йўлидаги машаққатли хизматларингиз биз учун жуда қадрли. Шарафли касбнинг машаққатларини сабот ила енгиб, фидойилик билан бизга бераётган сабоқларингиз, қалбимиз тўридан жой олмақда. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман. Баҳорий кайфият ҳеч бирингизни ҳеч қачон тарк этмасин” азиз ва муҳтарам аёллар!

Сарвар БОБОЖОНОВ,
“Эстрада актёрлиги” бўлими 2 - курс талабаси

Ҳозирги кунда янгича ижодий фикрлайдиган, юқори малакали, юксак маданиятли педагогларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ёшларни баркамол инсон бўлиб етиштиришда таълим-тарбия жараёнларидаги ислохотларни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим концепциясида шахсни билим олишга бўлган ички эҳтиёжини ҳосил қилиш ва уни ўқиш ўрганиши, ички тажрибаси, ҳис-туйғулари, тафаккурига катта эътибор қаратилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533- сонли қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 5 та минтақавий марказлари ва 10 та тармоқ марказлари ташкил этилди. Шунингдек, Олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият кўрсатаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ва факультетларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарор асосида янги ташкил этилган марказлар олдида долзарб вазифаларни юклади, жумладан, таълим жараёнига педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини рағбатлантиришга йўналтирилган курслар, уларнинг касбий ўсишига йўналтирилган илғор педагогик технологиялар, амалий ўқитишнинг интерфаол усуллари кенг фойдаланиш, сўнгги илм-фан ютуқлари билан таништириш, шунингдек, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ўқув жараёнига доимий тадбиқ этиш вазифалари қўйилган.

2013 йил 16 февраль куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузурида Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ўз фаолиятини бошлади. Тармоқ марказининг асосий вазифаларидан бири – бу санъат

этилган. Шунингдек, ўрта махсус касб-хунар педагоглари учун "Режиссёрлик ва актёрлик маҳорати", "Хореография ва сахна ҳаракати", "Овоз режиссёрлиги ва кинотелеоператорлик санъати" ва "Сахна нутқи" каби йўналишлар мавжуд. 2013 йили Тармоқ марказида Олий таълим муассасаларидан 66 нафар, 22 нафар ўрта махсус касб-хунар ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар ўз малакаларини оширдилар.

Дарсларни юқори савияда ўтказиш ва амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ташкиллаштириш мақсадида Тармоқ маркази 10 дан ортиқ маданият ва санъат

Шунингдек, ваколотхона кўмагида 2013 йили 2-3 май кунлари "Ўзбекистонда музейлар истиқболи" мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги 50 дан ортиқ музей раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, шу куни ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Кристина Пиккат иштирокида Тармоқ марказида "Музей мутахассислари малакасини ошириш" ўқув хонасини очилиш маросими ҳам ташкил қилинди.

Тармоқ маркази 2013 йилда пулли шартнома асосида Республикаимизда фаолият юритаётган маданият ва санъат муассасалар мутахассисларини касбий малакаларини ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва Тармоқ маркази ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча истироҳат боғ директорлари учун 10 кунлик малака ошириш курслари ташкиллаштирилди. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва Тармоқ маркази ҳамкорлигида Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари ва бадий раҳбарлари учун 6 кунлик малака ошириш курслари ташкил қилинди.

Тармоқ маркази 2014 йилда ўз олдида катта мақсадлар қўйган бўлиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилган таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини малака оширадиган тингловчиларга тушунтириш ва улар ўртасида тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, демократик ислохотларга мазмун бағишлайдиган, фуқаролик позициясини янада кучайтирадиган таълим масалалари демократиянинг энг асосий талаби эканлигини англаб этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Отабек ХАСАНОВ,

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори

МАЛАКА ОШИРИШ ИСЛОХОТЛАРИ



муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади. Шулардан, А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри, "Дийдор" театр студияси, "Минг ўрик"

ва маданият таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳри олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда республикаимиздаги санъат ва маданият ходимларини малакасини ошириш курсларини ташкил этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Тармоқ марказида 7 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда. Марказда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун "Режиссёрлик ва актёрлик маҳорати", "Мусиқа санъати", "Санъатшунослик ва маданиятшунослик назарияси", "Амалий ва тасвирий санъат", "Хореография ва сахна ҳаракати" ва "Сахна нутқи" йўналишларидан 144 соатлик малака ошириш курслари ташкил

музейи, Юнус Ражабий уй-музейи, Ўзбекистон Республикаси Давлат санъат музейи ва Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказларида тингловчилар кўчма машғулотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тармоқ марказида 18 нафар профессор-ўқитувчилар соатбай асосида фаолият юритмоқда, улардан 4 нафар профессор, 8 нафар доцент ва 6 нафар катта ўқитувчилардир.

2013 йилда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколотхонасининг "Ўзбекистонда музейлар истиқболи" гранти асосида Тармоқ марказида "Музей мутахассислари малакасини ошириш" ўқув хонаси ташкил этилди. Марказ замонавий 10 та компьютер, проектор, экран, видеокамера, фотоапарат, принтер каби техник жиҳозлар билан таъминланди.

"ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК" X ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ



Яқинда Ёшлар ижодиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Таълим ва мутахассислик" X халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага 70 000 дан зиёд иштирокчи ташриф буюрди ва уларга Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг камолоти йўлида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилаётгани, бир-бирдан кўркям таълим муассасалари барпо этилаётгани, таълим муассасаларида ёшлар манфаатларига мос шарт-шароитлар яратилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар берилди.

Иштирок қатнашчиларига институтимиз фаолияти ҳақида, институтдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Айниқса, кўргазманинг иш жараёнида институтимиз талабаларидан ташкил топган "Файзинур" ансамблининг ижодий чиқишлари иштирокчилар ва хорижлик меҳмонларда жуда катта таассурот қолдирди.

Бахтиёр ЗАРИПОВ,

"Умумий бўлим" маркетинг хизмати катта инспектори

Обычно третий год обучения режиссуре весь курс занят работой по созданию спектакля, в котором все студенты являются режиссерами спектакля и его исполнителями. Еще в конце второго года обучения намечается та пьеса, с которой

постановки, опираясь на знания полученные при работе над драматургией на втором курсе. Пьеса разбивается на куски, выясняются задачи в каждом из них. Когда общая конструкция спектакля выявилась, то каждой сцене или

СОЗДАНИЕ ДИПЛОМНОГО СПЕКТАКЛЯ

должны за летние месяцы познакомиться все студенты, прочитать ее и подумать о ней. К началу учебного года студенты высказывают свои впечатления о прочитанной пьесе и свои соображения о том, как она может выглядеть на сцене.

На первой беседе анализируется авторский текст. В результате коллективного обсуждения вырабатывается точка зрения на данное произведение и находится сквозное действие спектакля, устанавливаются основные большие режиссерские куски всего спектакля. Параллельно с этим, по мере изучения пьесы и сведения текста предполагают исполнять эту пьесу, когда детально обсужден и обдуман весь текст, оговорены все действующие лица, вскрыты их характеристики происходит распределения ролей.

Для того, чтобы найти наиболее интересное решение и вовлечь всех студентов в общую работу, предлагается каждому представить письменную экспликацию постановки. Студент должен наметить свой путь, у него должно родиться свое видения спектакля. Лучшие режиссерские планы, предложенные студентами, обсуждаются на занятиях. Определяется генеральная линия



сценам (в зависимости от количества студентов) прикрепляется режиссер. Можно не опасаться, что появится разночтение, «сверхзадача» и «сквозное действие» определены. Здесь еще преследуются такие учебные цели:

1) Учить будущих режиссеров как постановщиков соотносить свои действия с общей задачей.

2) Проявить выдумку в разработке куска.

3) Самостоятельная работа с исполнителями.

Работая над дипломным спектаклем, студенты-режиссеры участвуют в подборе музыки, костюмов и над художественным оформлением, создают ряд эскизов.

Таким образом, студенты в течении учебного года работая над дипломным спектаклем в качестве режиссера и исполнителя получают первый опыт в области сценического мастерства, эта работа вплотную знакомит их с особенностями коллективного творчества.

Шоира ХАМИДОВА,
доцент кафедры

"Искусство эстрады и массовых представлений"

Биз куйида устоз Юнус Ражабийнинг “Куйгай” асари мисолида ижронинг тўғри ва мукаммал бўлиши хусусида сўз юритамиз.

Маълумки, бу асар кўплаб эркак ва аёл хонандалар томонидан ижро этилиб, шинавандалар қалбидан чуқур жой олди. Карим Мўминов, Фароғат Раҳматова, Камолитдин Раҳимов каби халқимизнинг ардоқли санъаткорлари бу асарни маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилишган. Аммо гап уларнинг яши ижроси хусусида эмас, ижроларда учрайдиган баъзи жузъий камчиликлар хусусида боради.

“Сўзининг шарпаси текканда олам боб боб куйгай”, деб бошланувчи ушбу ашула ижро этилиши мобайнида, афсуски, аксарият хонандалар мисраларнинг тўғри келган ерида нафасни узиб, қайта нафас оладилар. Масалан “шарпаси” сўзи битта сўз, у уч бўғиндан иборат. Биргина ушбу сўз талаффузида камида бир марта нафас олинишини кузатиш мумкин бўлади. “Шар” ва “паси” бўғинлари алоҳида нафас билан талаффуз этилади. Ваҳоланки, кўшиқ бошланишида созандалар даромад қисмини ижро этишгаётганда хонанда ўзини ижрога чоғлаб, ижро бошланиши олдидаги тактда “сўзининг шарпаси” бошланғич сўзларини нафасни узмасдан куйлаш учун етарли нафасни ғамлаши керак. Яъни, нафасни сўз бўғинларининг орасида эмас, балки “шарпаси” сўзини тўлиқ талаффуз қилганидан кейин, қисқа муддатда нафас олиши мақсадга мувофиқдир.

Ёки асарнинг иккинчи байтидаги учинчи мисрага эътибор қаратамиз.

“Камондек қошларинг киприкларингдан ўқ отар доим” мисрасида ҳам кўплаб ижрочилар томонидан нотўғри нафас олиниши, талаффузнинг нотўғрилиги га гувоҳ бўлади. Юқоридаги “шарпаси” каби

биринчидан, ижрочи озми-кўпми ушбу шеърнинг вазни, яъни аруздан хабардор бўлиши, имкон даражасида асарнинг интонацион ҳолатини ҳис этиши; иккинчидан, ғазал матнидан келиб чиқиб, ундаги сўзларнинг орасида нафас олмасликка интилиши;

бўлмасдан ижро этишимни талаб қилди. Мен бу тавсияни тўғри қабул қилдим ва кейинги ижроларимнинг барчасида шунга амал қилиб келмоқдаман.

Муסיқа ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида анъанавий хонандалик йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар билан хонандалик бўйича яқка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишда айнан нафас олиш ва уни керакли нуқтада сақлаш, талаффуз масалалари қаторида ижроларнинг такомиллашган нуқтасини топа билиш ҳамкасбларимиздан нозик дид ва юксак маҳоратни талаб қилади.

Нафаснинг нотўғри олиниши, талаффузнинг норавонлиги ёинки, мазкур асарнинг савиясини маълум даражада туширишга ва кўшиқ ёки ашуланинг асл моҳияти бўлган матни тўлиқ тушунмасликка олиб келади. Аслида, кўшиқ сўзининг маъноси матн ва муסיқанинг бирлигини билдириб, бунда муסיқа матнининг аҳамиятини орттириш учун хизмат қилиши эътиборга олинса, матнининг тўлақонли эшитувчига етказилишида нафасни тўғри ишлатиш ва талаффуз масалаларининг аҳамияти нақадар муҳимлигини тушуниб етиш мумкин.

Оролмирзо САФАРОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизини,
“Халқ ижодиёти в анъанавий кўшиқчилик” кафедраси катта ўқитувчиси

ХОНАНДАЛИКДА НАФАС



“қошларинг” ҳам битта сўздир. Бинобарин, шу битта сўзда ҳам “қош” ва “ларинг” бўғинлари ўртасида нафас олинади. Зеро, бу ерда ҳам “қошларинг” сўзини тўла талаффуздан кейингина нафас олиниши жоиздир.

Мазкур асарнинг бошқа қисмларида ҳам худди шундай жузъий камчиликлар учрайди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ижрочидан, бизнинг назаримизда, куйидагилар талаб этилади:

учинчидан, зарур ҳолларда занжирий нафас олиш кўникмасига эга бўлиши зарур.

Биз таҳлил этишга уринаётган муаммоларни амалий жиҳатдан қўллаётган мутахассислар ҳам йўқ эмас. Хусусан, “Тараннум” кўрсатувининг режиссёри Баҳром Юсупов хонанданинг унвони, мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, ижро ичидаги бирорта деталдан кўнгли тўлмаса, ўша жойнинг ўзида ўз тавсияларини бериб, шунга амал қилинмаган ҳолларда хонандаларни кўрсатувдан четлатиш каби чораларни ҳам қўллаиди. Камина халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган “Эй сабо” ашуласини ижро этиши жараёнида Баҳром Юсупов менинг назаримда тўғри бўлиб кўринган, аслида эса, мен йўл кўйган хатоларни (“Сарви хиромонимга айт” жумласида “хиро – монимга” шаклида, сўз орасида нафас олиб куйлашимни) илғай олди ва тузатиш киритиб, ушбу сўзни бўғинларга

ВЛИЯНИЕ ИНТЕРНЕТА

В последние годы вопросы речевой культуры горячо обсуждаются не только специалистами, но и широкой общественностью. Речь наших современников многими воспринимается и оценивается как сниженная, ненормативная. Отмечается влияние на литературный язык ненормированной разговорной речи, проникновение просторечных слов, жаргонизмов, немотивированное использование иноязычной лексики. Учёные озабочены недостатками языкового воспитания, низкой языковой компетенцией большинства населения.

Наиболее уязвимыми в этом отношении оказываются дети: деформируется их языковое чутьё, языковой вкус определяется скорее модой, чем красотой, правильностью и уместностью речи.

Сетевая коммуникация – уникальное явление современного общества.

К наиболее очевидным особенностям сетевого общения относятся его вербальность, при расширении списка в него вносят нематериальность, текстуальность, условность, мифологичность, анонимность и т.д.

В отношении к формам Интернета, которые непосредственно обязаны с общением (почта, чаты, форумы) говорится о социализирующей функции. Сетевое общение описывается как единственная возможность для некоторых пользователей строить отношения (например, обсуждать свои проблемы в Интернете для пациентов с физическими недостатками оказывается легче, чем в реальной группе поддержки).

Ученые выделяют следующие уникальные характеристики интернет – общения, приравнивая его к «знамению времени».

Во первых, это общение крайне полифонично и объединяет в себе громадное количество различных типов дискурса и речевых практик.

Во вторых, гипертекстовые и интерактивные возможности Сети полностью меняют и крайне видоизменяют порождение и восприятие текста. Например, возможность гиперссылочного аппарата позволяет читателю не только следовать авторскому развертыванию текста, но и осуществлять собственную навигацию.

В – третьих, существенными факторами, влияющими на общение в Сети, являются его анонимность и дистанционность. Эти факторы наряду с физической непредставленностью участников общения, возможностью

«присоединиться» или «отсоединиться» в любой момент от общения в Сети, отсутствием инструментов принуждения, способствуют, с одной стороны, усилению коммуникативного поведения, снижается до минимума ответственность за свои проступки в Сети. С другой стороны, эти факторы стимулируют нарушение языковой нормы в целях установления и поддержания виртуальных контактов.

В-четвертых, на общение в Интернете не может не сказаться добровольность и желательность контактов. Более того, коммуникативное пространство Интернета представляет уникальный полигон для построения виртуальной языковой личности: способам её самопрезентации и творческой самореализации. В этой связи электронная коммуникация выступает как дополнительный способ самовыражения средствами языка.

Предельное упрощение коммуникации в Интернете ведет упрощению языковой, а затем физической личности, вызывая необратимые изменения в психике. Визуализация коммуникации приводит к снижению способности вербального выражения и восприятия, что сказывается на общении различных возрастных поколений, снижая его эффективность и взаимопонимание в целом, например, между разными поколениями.

Искусство художественного чтения – творческое воплощение литературного произведения в звучащем слове. Привлечение школьников к многообразной деятельности, обусловленной спецификой художественного чтения, открывает большие возможности для многостороннего развития их коммуникативных способностей.

Влияние на личность ребенка любого вида искусства, в том числе и такого как художественное чтение, неоспоримо. Формирование нравственных начал происходит через работу и в качестве исполнителя, и в качестве активного театрального зрителя. Это в свою очередь способствует саморазвитию личности ребенка, обогащает его духовный и нравственный мир, формирует активную жизненную позицию.

Феруза КУРБАНОВА,
старший преподаватель
кафедры «Сценическая речь»

ШУКРОНА

Хаёт инсонга берилган энг буюк мукофотдир. Ҳамма ҳаёти давомида интилишига қараб қанча ютуқларга эришади, энг баланд чўққиларни забт этади. Шу билан бирга, айрим одамларнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас. Инсон кўп нарсаларни ҳаётдан ўрганайди. Тўғрироғи, бизни ҳаётнинг ўзи тарбиялаб кўяди. Ҳаётнинг ўз қонуниятлари, паст-баландликлари бор. Қачонки, шу паст-баландликларга дуч келиб қолсақина, ҳаётнинг нақадар мураккаб эканлигини ҳис қиламиз... Балки тақдир деганлари шумикин, деган хулосага келамиз.

Аслида эса ҳаётнинг бу ташвишлари бежизга эмас, сабримизни синаб, иродамизни мустаҳкамлайди. Бизни гўзал ҳаётга теран нигоҳ билан қарай оладиган, туганмас сир-синоатлари олдида ўзимизни дадил тутта оладиган, пойдевори мустаҳкам кўрғондек салобат билан қаршимиздаги тўсиқларга ечим топа олишимизга кўприк бўлади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг-а: ҳар тонгида куёшни кулиб қаршилаб, бизга хайрли кун тилагудек, эрта баҳорда ҳовлиларимизда қатор қилиб экилган турфа гулларнинг ифори димоғимизга урилиб, кун кайфияти тилагудек, анҳорларда оқаётган зилол сувнинг оқиши кўзигизни қувонтургудек, салқин шаббод эсганида эса япроқларнинг гўёки чапак чалғондек қувончимизга шерик бўлиб, бахтга чорлаётгудек манзарани фақат ўз юртимизда тўлақонли ҳис этишимиз ва бундай бахтдан сармаст бўлишимиз мумкин.

Шундай тенги йўқ диёрда камол топаётганимиз учун қанча шукрона айтсак, шунча кам. Зеро, бу тинч, осуда ҳаётимиз ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолгани йўқ. Унинг барча бойликларини авайлаб-асрашимиз ва келгуси авлодга кўкси тўла ғурур ва пок юрак билан топшира олишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Адиба ДАМИНОВА,
“Касбий таълим” йўналиши,
3 -курс талабаси

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Барчамизга маълумки, ҳар йили улғусий моларимиз сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг нишонланади. Бу анъанани давом эттирган ҳолда «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси профессори, Санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Қодирова бошчилигида 2-босқич Театршунослик гуруҳи талабалари ижодий семинар ўтказишди.

Ижодий семинар мавзуси “Буюк аждодларга юксак эҳтиром” деб номланди. Ижодий семинарда

“Алишер Навоий тимсоли актёрлар ижросида”, “Алишер Навоий асарларининг саҳнавий талқинлари”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосининг саҳнавий талқинлари”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида эркаклар либослари” каби маърузалар семинар қатнашувчилари эътиборига ҳавола қилинди. Улуғ аждодларимизнинг ижодига оид ғазал ва рубоийлар ўқиб эшиттирилди ва талабалар томонидан жонли ижро этилди.

Хуршида ХУСЕНОВА,
“Театршунослик” бўлими
2-курс талабаси

«Дунё баркамоллигини бирликда кўриб, Шарқ халқлари маданиятини катта ҳурмат билан ғарбда тарғиб этган ва эътибор мутафаккирлар қаршида биз бурчлимиз, – деб ёзади филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов «Тафаккур карвонлари» китобида. – Тараққиёт тарихига Шарқ ва Ғарб халқлари навбатма-навбат ҳисса қўшиб келганлар. Жаҳон халқлари орасидаги иқтисодий ва маданий алоқа тобора ривожлана борган ва у ҳозирги пайтда янги куч билан мустаҳкамланмоқда».

Устоз таъкидлаган ўша «янги куч»лар турлича кўринишда бўлиши мумкин. Шулардан бири – «Паблик рилейшнз» фанидир. Инглиз тилидаги «Public Relations» (PR – пиар) атамаси – «Жамоатчилик билан алоқалар», «оммавий алоқалар хизмати», «жамоатчилик билан муносабатлар», деган маъноларни англатади. Бу фаннинг моҳияти ва кўлами жуда кенг. Муаммолар ечимини ҳал этишда у энг одилона йўлни танлайди, яъни, ўша муаммага жамоатчилик эътиборини қаратади, масаланинг моҳиятини тушуниб этишга интилади, мутахассислар, тажрибали кишилар фикрини ўрганади, ҳар томонлама пишиқ-пухта хулоса чиқаради ва ниҳоят, тўғри йўналиш беради. Пиар йўналишидан, хабарларидан кенг доирадаги жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

Кенг доирадаги жамоатчилик билан узвий алоқада ҳаракатланиш – PRнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Санъат ва маданият соҳасида ҳам жамоатчилик фикрини ўрганишда ва тўғри хулоса чиқаришда PR муҳим

ўрин тутаяди. Бундай кенг қамровли фикрлар натижаси эса самарали бўлиши шубҳасиз. Пойдевори пухта илмий асосга эга бўлган PR амалиёти давр синовларидан муваффақиятли ўтиши сабаби ҳамда шунда.

Жамоатчилик билан алоқалар – кенг қиррали тушунча. Уни биз санъат, маданият ва маънавият борасида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Табиийки, «алоқа», «муносабат» деган тушунчалар

назарий асослари пухта ўргатиладиган бу фан амалиёти эса мазкур мамлакатларда ҳукумат идораларидан тортиб илмий-маърифий масканларгача жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллади. Собиқ «иттифоқ» барҳам топгач, дунёга эшик очган мустақил республикаларга ҳам бу фан маърифат қалдирғочлари мисол қанот қоқиб келди. Азал-азалдан амалий жиҳатдан жамоатчилик билан ҳар томонлама алоқалари раванқ топиб келаётган юртимизда бу фан катта қизиқиш билан кутиб олинди. 1990 йилдан буён у МДХ республикаларида, айниқса Россияда катта эътибор қозонган. Таниқли инглиз олими Сэм Блэкиннг «Introduction to Public Relations» китоби рус тилига таржима қилиниб, «Введение в публик рилейшнз» («Паблик рилейшнзга кириш») номи билан чоп этилгач, нафақат илмий жамоатчилик, балки, кенг қатламдаги маърифатли, зиёли кишилар ҳам ушбу мўъжиза фан сирларини пухта ўзлаштиришга

ошиқдилар. Мустақилликка эришганимиздан буён республикамиз жамоатчилигида ҳам «Паблик рилейшнз» – Жамоатчилик билан алоқалар фанига қизиқиш ортди. Айни вақтда институтимизда қатор фанлар амалиёти жамоатчилик билан боғлаб тушунтирилиши эътиборга молиқдир. Бу фан моҳиятини теран англаётган ёш авлод дунёвий фанлардан баҳраманд бўлиб, дунё билан бўйлашишларига шубҳа йўқ!

Тўлқин ЭШБЕК,
«Ижтимоий-гуманитар фанлар»
кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Азизбек КАТТАЕВ



“Овоз режиссёрлиги”
бўлими
3- курс талабаси

САЛОМ ХАТ

Эзгу тилакларнинг салтанати кенг, Оқ қоғозга бахтдир икки энлик хат. Табиатнинг нозик жойларидан энг, Сизларга тилайман толе ва сизхат.

Қадимий мақбара Бибихонимда, Гарчи битиклар кўп боболардан хат. Менинг қалб саройим ўз жаҳонимда, Тилак қасри бордир азим баҳайбат.

Кўп боқинг Навоий китобларига Чин ихлос камолу эҳтиром ила. Кўнглингиз боғини этмасми ёруғ, Ишқий сатрлардан ёғилган шуъла.

Қаламга дўст бўлинг оппоқ қоғозлар, Мирзо бўлинг ҳатто кўнгиш қасрига. Шодликка сўз бўлинг, кетсин аламлар, Нурга тўлган қуёш бўлинг аслида.

Чамаси биз кўпдан ёзишмай кўйдик, Оқибатли дўстим, азиз инсоним. Буни биз чин дилдан бахтларга йўйдик, Соғинчларда ўтган дамлар деб кўйдик...

Шеърим тепасига ёзув эмас мен, Дилдаги сатрим деб ёздим салом хат. Табиатнинг нозик жойларидан мен Тилайман сизларга бахт ҳамда омад.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ



аслида жамоатчилик ўртасида юз берадиган жараёнлар. Эндиликда биз «жамоатчилик» деган сўзни кенг миқёсда, таъбир жоиз бўлса – жаҳон миқёсда тасаввур этишга ҳақлимиз! Юртимиз истиқлоли берган беқиёс неъматлардан бири шу! Дунё халқлари ўртасидаги турфа алоқа, муносабатлар азалдан табиий равишда шаклланиб, раванқ топиб келган бўлса, энди у замона зайли билан янгича шаклу шамойилда илмий, назарий пойдеворга эга бўлмоқда.

Дунёвий фан сифатида майдонга чиққан «Паблик рилейшнз» XX асрда АҚШ ва Европа мамлакатларида алоҳида мавқега эга бўлган эди. Қатор ўқув юртрларида

САЛОМ ЗАМИРИДАГИ КАЛОМ

Халқимизнинг ўзига хос Хурф-одат, анъаналари борки, улар борасида фикр юритилганда, беихтиёр аждоқларимизнинг нақадар гўзал хулқ ва юксак маънавият соҳиб бўлганларидан лол қолади киши. Биргина салом билан ҳурмат ва эътибор кўрсатиш одатининг ўзи ғоятда чуқур маънога эга. Киши бирор дўсти ё танишини унга нисбатан кўпроқ кўриб туриши мумкин бўлган одамни учратганда «Дўстимга салом айтинг» ёки «Уйдагиларни сўраб кўйинг», деган самимий тилакларни билдиради. Бундай ҳолат деярли ҳар куни ҳаммамиз билан кўп маротаба содир бўлади. Шу қадар бу воқелик одат тусига айланиб кетганки, унинг моҳиятида ётган эзгуликка баъзан кам аҳамият қаратамиз.

Салом етказилган яқинимизни учратганда баъзида омонатни етказиш хотирамиздан кўтарилиб ҳам қолади. Бу эътиборсизликми ё ўша «Салом айтиб кўйинг», деган одамга нисбатан ҳурматсизликми? Аслида унис ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин, аксарят ҳолларда кўпчилик саломнинг омонат эканини англамаганлари учун ҳам ана шундай эътиборсизликка йўл кўядилар. Аммо салом ҳам омонатдир. Яқинда бир опамиз сафарга тайёргарлик кўраётган экан. У кишининг дугоналари: «Борганингизда фалончиларга саломларимизни етказинг», дейишган экан. Опамиз «Хўп бўлади, албатта»,

дедилар-у, ёнларида турган сумкаларидан бир кичик дафтарча ва қалам олдилар. Дафтарчани очиб, бир нималарни ёзганлари туфайли бизнинг юзимизда пайдо бўлган савол аломатига ўзлари дарҳол жилмайиб, жавоб қайтардилар. «Сафарга чиқишимиз шу ҳафтанинг бошида маълум бўлди, ҳали яна бир ойга яқин вақтимиз бор...» У кишининг шу қадар омонатга эътиборли эканлигини ташқарига чиққаннимизда дугоналарга айтган эдим, ҳа салом ҳам ниҳоятда улғў омонат, дедилар. Уйга қайтганимда бу ўзим учун қанчалик ибрат мактаби бўлганини англадим... Маликабону САРВАР қизи «Қасбий таълим» факультети 3 - курс талабаси

Нигора ЖУМАЕВА



“Овоз режиссёрлиги”
бўлими
2-курс талабаси

ОНА

Негадир хаёллар олис-олисида, Ўйлайман ҳаётнинг паст-баландини. Ҳаётни кузатсам жуда қизиқда, Ҳар она ўйлайди ўз дилбандини. Онам бор не ғам бор шу бошгинамда, Дунёнинг ишига хайрон қоламан Мехрибоним, жоним ювошгинамда, Сўзлашиб бир олам роҳат оламан. Баъзи бир инсонлар ишқ дея ёниб, Севган ёрига гул бергунчилар бор. Хўш қачон гул бердинг онамга бориб, Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрмоғинг даркор.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралик бўйича кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

“Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасига 1 та доцент, “Муסיқий-назарий фанлар” кафедрасига 1та катта ўқитувчи, “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига 1 та катта ўқитувчи, “Саҳна нутқи” кафедрасига 1 та ўқитувчи, “Муסיқали, драматик театр ва кино санъати” кафедрасига 1 та ўқитувчи, “Тиллар ва адабиёт” кафедрасига 1 та ўқитувчи ўрни.

Танловда қатнашиш истагини билдирган шахслар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддат давомида институт раҳбариятига қуйидаги тартибда ҳужжатларни тақдим этишлари сўралади:

1. Институт ректори (Кенгаш раиси) номига ариза
2. Шахсий варақа таржимаи ҳоли билан бирга
3. Талабгорнинг объектив-маълумотномаси
4. Дипломларининг нусхалари
5. Илмий, илмий-ижодий ва ўқув-услубий ишлари рўйхати
6. Тавсифнома
7. Кафедра қароридан кўчирма
8. 4 дона расм (3x4)
9. Паспорт ксероносухаси
10. Малака оширганлиги ҳақидаги гувоҳномалар

Изоҳ: институтнинг кафедраларида фаолият олиб бораётган талабгорлар очик дарс ўтказиб беришлари, ташқаридан ариза берган шахслар синов дарсини ўтказишлари лозим (дарс баённомаси ва тақризлари илова қилиниши керак)
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 127 А уй.
Мурожаат учун телефонлар: 230 28 13.

Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Муҳаммад ИСМОИЛ

Таҳририят ҳайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Улуғбек УРИНОВ
Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

Саҳифаловчи ва диз@йнер:
Дилафруз ИСМОИЛОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улуғбек тумани Яланғоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99893 587 77 47
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; muhammad_ismoil@mail.ru

Газета институт нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди ва саҳифаланди.
Ўлчами - А3, ҳажми - 1 босма табоқ
Нусхаси - 1000 дона.
Буюртма

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида “NISO POLIGRAF” SHK босмахонасида чоп этилади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.